



САМАРҚАНД ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ

**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси
томонидан 2025 йил давомида амалга
оширилган ишлар тўғрисида**

САМАРҚАНД – 2026 йил

Бугунги кунда адлия органлари жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёшларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг аҳолига етказиш, мурожаатларни тезкор ва ижобий қаноатлантириш, малакали юридик хизмат кўрсатиш ва шу каби кўплаб йўналишларда самарали фаолият олиб бормоқда.

Ҳар бир йўналиш ўз вазифа ва функциясидан келиб чиққан ҳолда ишларни ташкил қилади. Бугун адлия органларининг халқ орасига янада яқинроқ кириб бориши, фуқароларнинг ишончига сазовор бўлишларида соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг ўрни катта.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада ривожлантириш борасидаги янги-янги ташаббуслар, лойиҳалар, акциялар аҳолини, айниқса ёшларни бир даврага жам қилмоқда.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан **оталиққа олинган ёшлар билан самарали ишлаш натижасида кўплаб йигит-қизларнинг орзулари амалга ошди, муаммолари ҳал этилди.**

Сайёр қабуллар давомида минглаб инсонларнинг ечилмай келаётган муаммоларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, тўғри йўл кўрсатилди.

Уйма-уй юриш орқали инсонлар билан-юзма-юз мулоқотлар олиб борилди, муаммоларни эрта аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. *“Хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам”, “Ҳеч бир шахс ҳужжатсиз қолмайди”, “Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолати”, “Бепул ҳуқуқий маслаҳат билан ҳар бир уйга”, “Зиё улаш”, “Менинг маҳалламда жиноят бўлмайди”* каби турли йўналишдаги аксиялар орқали ҳуқуқий кўмак кўрсатиш билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий саводхонлиги оширилди.

Шу билан бирга, ходимлар ўртасида жамоавийлик, дўстона муҳитни шакллантириш, ҳамкасбларда бир-бирига нисбатан соғлом рақобат, меҳр-оқибат, дахлдорлик каби тушунчаларни ривожлантириш, бирдамлик, аҳилликни янада кучайтириш мақсадида **тимбилдинг дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, унда психологик тренинглар, спорт, маънавий-маърифий, туризм тадбирлари ўрин олган.**

Энди 2025 йил давомида амалга оширилган ишларни рақамлар кесимида кўриб чиқамиз

. Мурожаатларни кўриб чиқиш соҳасида:

Бошқарма ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан 2025 йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан жами **7361**та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг **3971**таси ҳал этилган ёки **54,0** фоизи

қаноатлантирилган, **3390 (46%) тасига** ҳуқуқий тушунтириш берилган. **412 та** мурожаат тегишлигига кўра бошқа идора ва ташкилотларга юборилган.

324 та мурожаат Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан сайёр ва шахсий қабулларда қабул қилинган. Мазкур қабул қилинган мурожаатлар тегишли тартибда бошқарма ва туман (шаҳар) адлия бўлимларига кирим қилиниб, ҳал этилиши таъминланган.

Норма ижодкорлиги соҳасида:

Вилоят адлия бошқармаси ва туман (шаҳар) адлия бўлимларига **415 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳуқуқий экаспертизадан ўтказиш учун келиб тушган, шундан **231таси** вилоят адлия бошқармасига, **184таси** туман (шаҳар) адлия бўлимларига келиб тушган.

Мазкур ҳужжатларнинг **372 тасига** ижобий хулосалар берилган, **43 та** ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари белгиланган талабларга жавоб бермаганлиги сабабли қайтарилган.

Хабарларингиз бор, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига “Е-Qaror” электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМК – 390-сон қарори билан 2021 йил 1 июлдан бошлаб барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва фармойишлари, шу жумладан, хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, рўйхатга олиш ва эълон қилиш “Е-qaror” электрон тизими орқали амалга оширилиб, адлия органлари томонидан мазкур жараёнларнинг доимий мониторинги олиб борилади.

“Е-qaror” электрон тизими асосида ҳисобот даврида Самарқанд вилоят ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан жами **12 320та** қарор, фармойиш ҳамда Кенгаш қарорлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг **6325таси** ҳоким қарорлари, **3081таси** ҳоким фармойиши ҳамда **2601таси** Кенгаш қарорлари ташкил этади.

Мазкур жараёнлар вилоят адлия бошқармаси ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан доимий ва тизимли равишда мониторинг қилиб борилиши жараёнида жорий йилда жами **160 та** ноқонуний ҳужжатлар қабул қилинганлиги аниқланган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганиш соҳасида:

Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш соҳасида адлия органлари томонидан **1 981 та** ташкилотда жами **2 205 та** назорат тадбирлари ўтказилди. Шундан **1 405 таси** мониторинг, **800 таси** ўрганишдан иборат.

Ўтказилган ўрганиш ва мониторинглар натижасида жами **88 234 та** қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Қонунбузилиш ҳолатлари соҳалар кесимида қуйидагича : *412 та (0,2 %) — молия, божхона, ИИБ ва банклар тизимида; 1 639 та (1,5 %) — бандлик*

ташкilotларида; 5 968 та (6,9 %) — ижтимоий таъминот идораларида; 5 687 та (4,1 %) — коммунал ташкilotларда; 1 073 та (1,6 %) — туман (шаҳар) ҳокимликларида; 19 056 та (21,4 %) — таълим муассасаларида; 1 136 та (1,7 %) — архитектура ва қурилиш органларида; 755 та — нодавлат нотижорат ташкilotларида; 2 954 та (3,2 %) — солиқ органларида; 2 587 та (4 %) — ер ресурслари ва кадастр органларида; 412 та — диний ташкilotларда; 14 752 та (14,7 %) — соғлиқни сақлаш органларида; 3 922 та (1 %) — ДСЕНМ ташкilotларида; 27 881 та (39 %) — бошқа ташкilotларда аниқланган.

Аниқланган ҳолатлар бўйича қўлланилган таъсир чоралари натижасида 35 нафар шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилиб, (1 нафари билан меҳнат шартномаси бекор қилинган), 58 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган.

Киририлган тақдимномалар натижасида 3,5 млрд сўмдан ортиқ, судларга киририлган даъво аризалар натижасида 10,4 млрд сўмдан ортиқ жами 13,5 млрд сумдан ортиқ пул маблағлари тўлаб берилиши таъминланди.

Самарқанд вилоятида “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонун ижроси юзасидан МАЪЛУМОТ

№	Tuman	Muhokamada	Muhokamada	E'londa	Adliyada	Rad etilgan		To'lov kutilmoqda	Qarorda	Yakunlangan
			Jarayonda			Rad etilgan	Shundan taqiqlangan hududda joylashganlar			
1	Bulung'ur tumani	2922	1045	621	154	211	1	100	71	694
2	Ishtixon tumani	1652	1368	143	55	17	2	5	5	45
3	Jomboy tumani	3256	1240	289	383	186	10	367	38	677
4	Kattaqo'rg'on sh	512	269	191	15	0	0	1	1	31
5	Kattaqo'rg'on tumani	4741	3527	107	202	57	0	213	73	472
6	Narpay tumani	4564	3789	61	39	58	2	146	24	422
7	Nurobod tumani	2355	1152	373	176	77	13	224	42	288
8	Oqdaryo tumani	3815	1970	698	308	113	4	180	29	458
9	Pastdarg'om tumani	7745	4345	585	231	279	42	645	120	1490
10	Paxtachi tumani	2279	1211	149	116	14	2	172	53	533
11	Payariq tumani	3821	3225	6	47	49	3	214	8	235
12	Qo'shrabot tumani	2359	1210	144	644	25	0	110	40	129
13	Samarqand sh	1372	1244	0	16	4	0	21	6	56
14	Samarqand tumani	2294	1305	150	168	100	4	40	108	423
15	Toyloq tumani	2119	1494	104	81	121	21	90	30	173
16	Urgut tumani	6323	5567	533	2	10	0	8	1	68
JAMI		52129	33961	4154	2637	1321	104	2536	649	6194

Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш соҳасида:

Бошқарма ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан ҳисобот даврида **801** та ўрганишлар ўтказилиб, ўрганишлар натижасида жами **88 234** та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди.

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан **1 038 та** тақдимномалар, **615 та** маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар, 10 та жиной жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар ва 1 575 та огоҳномалар киритилди.

Натижада **307 нафар** шахслар интизомий, **537 нафар** шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тақдимномаларга асосан, **24 млрд сўмдан ортиқ** пул маблағлари қонуний эгаларига қайтарилган.

Бундан ташқари, бошқарма ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан ҳисобот даврида судларга **18 млрд. 017 млн. сўмдан ортиқ 406 та** даъво аризалари киритилган бўлиб, шундан ҳисобот даври бошидаги қолдиқ даъво аризалари билан биргаликда **17 млрд. 477 млн. сўмдан ортиқ 395 та** даъво аризалари қаноатлантирилган

Юридик хизмат кўрсатиш соҳасида:

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июнидаги “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 5168-сон қарорига асосан 2021 йил 1 октябрдан бошлаб республиканинг бутун ҳудудида, шу қатори Самарқанд вилоятида ҳам **16 та туман (шаҳар) ларда** адлия бўлимлари таркибида Юридик хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилган.

Мазкур марказлар томонидан бугунги кунда туман (шаҳар)лардаги **2278 та** давлат ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш маркази юристконсултлари томонидан самарали хизмат кўрсатиб келинмоқда.

2025 йил давомида “**Е ҳуқуқшунос**” электрон тизими орқали жами **723291 та** ҳужжат айланиши кузатилган бўлиб, ходимлар томонидан юридик хулосалар берилган. Шундан **664 655та** ҳужжатга ижобий хулоса берилган бўлиб, **64894та** ҳужжат рад этилган, **408та** ҳужжатга салбий хулоса берилган.

Давлат хизматлари кўрсатилиши ўстидан **назорат қилиш соҳасида:**

2025 йил давомида ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасида давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ваколатли органлар томонидан **11 985 та** қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Шундан, **6 384 та (53,2 %)** ҳолатда давлат хизматлари кўрсатиш муддатлари бузилган, **2 198 та (18,3 %)** ҳолатда tashkilotlar tomonidan ortiqcha hujjat talab qilib olingan, **3 209 та (26,7 %)** ҳолатда мурожаатлар асоссиз рад этилган ва **193 та (1,6 %)** ҳолатда бошқа қонун бузилишларига йўл қўйилган

Давлат хизматлари марказлари фаолияти бўйича:

2025 йил давомида Давлат хизматлари марказлари томонидан **1.568.483** давлат хизматлари кўрсатилди.

Шунингдек, 2025 йилда да **49 минг 310 та** тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилган. Шундан **19 899 таси** юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлса, **29 411 таси** Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларидир. Шунингдек, **180 та хорижий инвестиция** (*қўшма ва хорижий. энг кўп Самарқанд шаҳар ДХМ ҳисобига тўғри келади 58 та*) иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган.

2025 йилдаги энг оммабоп давлат хизматлари сифатида қуйидагилар эътироф этилмоқда:

1. Судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисида маълумотнома бериш — **183 194 та;**
2. Электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш — **162 337 та;**
3. Кредит тарихи тўғрисида маълумотнома бериш — **131 732 та;**
4. Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш — **93 663 та;**
5. Фуқароларнинг наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш — **74 457 та;**
6. Турар жой объектига кадастр паспортини бериш ва унга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш — **70 776 та.**

ФИЛИАЛЛАР ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР:

Давлат хизматлари марказларининг (вилоятда 9 та филиал мавжуд) филиаллари томонидан ўтган **12 ой** давомида **4 301 та** хизмат кўрсатилган. Шунингдек, **931 та** тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилган.

Жорий йилнинг ўтган 12 ойида филиаллар томонидан кўрсатилган энг оммабоп давлат хизматлари:

1. Болаларни Давлат мактабгача таълим ташкилотига жойлаштириш — **2 201 та;**
2. Кадастр паспортини шакллантириш **302 та;**
3. СТИР аниқлаш — **167 та;**
4. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш — **299 та;**
5. Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш — **401 та.**

Қолаверса, **931** та тадбиркорлик субъектлари сайёр тартибда давлат рўйхатидан ўтказилди.

САЙЁР ТАРТИБДА КЎРСАТИЛГАН ЭНГ ОММАБОП ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ:

- 1.Жисмоний ва юридик шахслар учун электрон рақамли имзо олиш **-15 455 та;**
- 2.Болани давлат мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш учун ариза бериш **-3 588 та;**
- 3.Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатдан ўтказиш- **2 002 та.**

Соҳадаги янгиликлар: Эндиликда фойдаланилган давлат хизмати учун тўловни амалга ошириш янада осонлашди. Эндиликда my.gov.uz ёки Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар учун тўловни амалга оширишда инвойсдаги рақамларни битталаб териб ўтириш ёки “касса”да навбат кутишга ҳожат йўқ. Бунинг учун оммабоп тўлов тизимларида инвойсдаги QR-кодни сканер қилиб, тўловни осонгина амалга оширса бўлади. Мазкур имкониятдан ҳозирча “Payme”, “Click”, “U-pay” тўлов тизимлари орқали фойдаланиш мумкин.

Аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланишини осонлаштириш мақсадида бугунги кунда шахсни идентификациялашнинг Мобил-ID тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Мобил-ID тизими мобил алоқа хизматларидан фойдаланаётган 20 миллиондан зиёд аҳоли учун алоҳида флеш-картани олиб юрмасдан хизматлардан осон ва тезкор равишда фойдаланиш имконини беради.

Шу билан бирга фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш уларнинг маблағларини тежаш мақсадида **QR-адлия** тизими жорий этилди.

Давлат хизматлари марказларига келиб мурожаат қилинганда пенсионерларга, ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган боласи билан келган фуқарога давлат хизматларидан **навбатсиз фойдаланиш имконияти** яратилди.

Вилоятнинг еттита туманларнинг олис ҳудудларида **тўққизта филиаллар** ташкил қилиниб Давлат хизмати Марказлари ҳафтанинг ҳар чоршанба куни хизмат кўрсатиб келмоқда.

Аҳоли кўп бўлган Самарканд шаҳар ва Пастдорғом туман Марказларида кўрсатилаётган хизматлар **осон, ўрта ва мураккаб хизматлар тоифаларга** ажратилиб, сариқ, яшил ҳамда қизил йўлақлар тоифаларига ажратилди.

Туман марказларидан узоқ маҳаллаларда **интерактив инфокиосклар** жойлаштирилиб улар орқали **70 дан** ортиқ давлат хизматлари кўрсатилиб келинмоқда.

ФХДЁ соҳасида:

2025-йил мобайнида ФХДЁ бўлимлари томонидан 105 824 та туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари расмийлаштирилиб, **20 076 та** ҳолатда ўлим далолатнома ёзувлари қайд этилган. Шунингдек, **31 539 та никоҳ**, (шундан *177 та никоҳ чет эл фуқаролари билан, 66 та никоҳ МДХ фуқаролари билан*) ҳамда **4 829 та** никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари расмийлаштирилган (*суд 3 797, ФХДЁ 1 035*).

Самарқандда **2025-йилда 105 824 та** туғилганлик ҳолати қайд этилган бўлиб, шундан **54 512** нафари ўғил, **51 311** нафари қиз.

Энг кўп туғилиш -Самарқанд (29 695 та) шаҳри ва Ургут (12 494 та) туманида кузатилди.

Самарқанд вилоятида **2025-йилда 31 539 ТА НИКОҲ ҚАЙД ЭТИЛГАН** Никоҳлар сони бўйича **Ургут (4 480 та) Самарқанд шаҳри (4 353 та), Пастдарғом (2 894 та) туманлари** юқори натижа кўрсатди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида

Интеллектуал мулк бўлими томонидан контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг муомаласига, шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишига қарши тизимли ва самарали курашишда бевосита иштирок этиш, хусусан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни тузиш ва аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан 2025 йилнинг ўтган даври мобайнида **14 та** маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилди ҳамда тегишли тартибда судга юборилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан жарималар қўлланилди ҳамда **3** маротаба молиявий жарма жазоси кулланилди.

Шунингдек, контрафакт маҳсулотлар савдосини ҳамда мазкур турдаги товарларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш тўғрисида жисмоний ва юридик шахсларга **66 та** тақдимнома ва **45 та** огоҳнома киритилди ва мавжуд ҳуқуқбузарликларни олди олинди. Қўлланилган таъсир чоралари натижасида **247 та** интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси таъминланди.

Бундан ташқари, Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга риоя этилишини таъминлаш ва контрафакт маҳсулотлар реализациясининг олдини олиш мақсадида Самарқанд вилоятида жойлашган йирик бозорларида **90 маротаба** кузатув тадбирлари ўтказилиб, **250 дан** ошиқ контрафакт маҳсулотлар каталоги тайёрланиб сотувчиларга тарқатилди.

Интеллектуал мулк йўналишида жойларда интеллектуал мулк объектларининг давлат рўйхати билан боғлиқ фаолиятга кўмаклашиш вазифаси ижроси юзасидан интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш борасида **81 та** интеллектуал мулк объектларини жисмоний ва

юридик шахслар номига рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширишга кўмаклашилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар соҳасида:

2025 йил ҳолатига бошқарма томонидан рўйхатдан ўтказилиб, фаолият юритиб келаётган нодавлат-нотижорат ташкилотлар сони жами **1121 тани** ташкил қилади.

Адлия бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилган ННТлар сони жами **810 та**.

Шундан давлат рўйхатидан ўтказилган ННТлар сони **565 та**,

Ҳисоб рўйхтидан ўтказилган ННТлар сони **245 тани** ташкил қилади.

Шунингдек, диний ташкилотлар сони **311 та**,

Шундан **289 та** исломий, **22 та** ноисломий ташкилотлар.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида жами **50 та** ННТлар ва диний ташкилотларда текшириш ўтказилиб, **587 та** қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан **51 та** тақдимнома ҳамда **6 та** маъмурий таклиф киритилган.

Ҳуқуқий тарғиботни мувофиқлаштириш, тарғибот тадбирларини амалга ошириш йўналишида самарали ишлар олиб борилди. Бошқарма ва туман, шаҳар адлия бўлимлар томонидан йил давомида 518 маротаба телевидение ва 879 маротаба радиода чиқишлар қилинди, газета ва журналларда 913та дан ортиқ мақоллар чоп этилди. Уйма-уй юриш тадбирлари давомида давомида 24359га яқин хонадонларга кирилди, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, таълим муассасаларида, аҳоли гавжум жойларда жами 41331та манзилли тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда бошқарма ва туман адлия бўлимларининг ижтимоий тармоқдаги гуруҳларида 40 мингга яқин аъзолари мавжуд бўлиб мазкур гуруҳлар жонли мулоқотлар тарзида, аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини аниқлаш, уларга амалий ёрдам бериш мақсадида фаолият юритади. Тарғиботнинг проактив усулларини жорий этиш мақсадида янги лойиҳалар ва ташаббуслар жорий этилмоқда. Бугунда вилоятимизнинг барча маҳалларида ташкил этилган телеграм гуруҳларида адлияхабари боти админ сифатида киритилган бўлиб, барча гуруҳларга бир пайтнинг ўзида қонунчиликдаги янгиликларни, аҳоли учун долзарб ва қизик бўлган ҳуқуқий маълумотларни, қонунчиликдаги имтиёзларни юборади.

Ҳар бир ташаббус, янги лойиҳалар жамиятда ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишга ўз хиссасини қўшиб бормоқда.

Халққа хизмат энг олий бурч эканлигини юракдан хис этган соҳа ходимларининг бугунги фаолияти, амалга оширган ижобий ишлар келажак авлод учун катта мактаб бўлиши шубҳасиз.